




Чингизхон хижрий 617 йили мухаррам ойида Бухорога хужум бошлади... Барча уйлар вайрон килинди, хамма сандиклар бузилди. Китоблар йиртилиб, хайвонлар оёги остига сомондек сочилди. Мукаддас китоблар сакланган сандикларни отларга охур сифатида ишлатдилар. Илм юлдузлари бўлган мулалар, шайхлар куллар каби эътиборли жангчиларга хизматкор килиб, гоҳо эса мўгул бахшиларига масхара учун берилди. Кўпгина мўътабар козилар эшак ва хачир бокишга мажбур килинди...

Чингизхон хайит намози ўкиладиган мусаллода тўпланган аҳолига шундай хитоб килди: «Эй одамлар! Билингки, сизлар огир гуноҳ килдингиз. Бунга асосий сабабчи сизларнинг хонларингиздир. «Сен ўзинг кимсанки, биз билан бундай гаплашмокдасан, деб сўрарсизлар? Билингки, мен Тангрининг бандасиман. Агар сизлар гуноҳкор бўлмасангиз, Тангри жазоингизни бериш учун мени юбормас эди. Энди сизнинг ер устидаги бойликларингиз хакида сира маълумот сўрамаймиз, аммо ерга яширганларингизни айтишингиз ва уларни топиб беришингиз керак».

(Херман Вамбери, «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи», Тошкент, 1999 йил).

Аллохнинг жазоси махлуклари оркали келади, дейилган.